

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.08/2025.27.12.Qx.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ХАСАНОВ АНВАР МУРОТАЛИЕВИЧ

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА БОДОМ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ
БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА БИОЦЕНОЗДА УЛАР СОНИНИ БОШҚАРИШ
УСУЛЛАРИ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2026

**Қишлоқ хўжалик фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Table of contents of the abstract of the dissertation of the doctor (PhD) in
agricultural sciences**

Хасанов Анвар Муроталиевич

Фарғона водийсида бодом зараркунандалари биоэкологияси ва
биоценозда улар сонини бошқариш усуллари 3

Хасанов Анвар Муроталиевич

Биоэкология вредителей миндаля в Ферганской долине и методы
управления их численностью в биоценозе 19

Xasanov Anvar Murotalievich

Bioecology of almond pests in the Fergana Valley and methods of managing their
numbers in the biocenosis..... 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publication works..... 41

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.08/2025.27.12.Qx.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ХАСАНОВ АНВАР МУРОТАЛИЕВИЧ

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА БОДОМ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ
БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА БИОЦЕНОЗДА УЛАР СОНИНИ БОШҚАРИШ
УСУЛЛАРИ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2026

Қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2025.1. PhD /Qx637 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори диссертацияси Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюми)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.psuyaiti.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жумаев Расул Ахматович

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эшчанов Баҳодир Рўзимбоевич

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

Хайтмуратов Арслонбек Файзуллаевич

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик,
узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот
институтини**

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.08/2025.27.12.Qx.01.01 рақамли Илмий кенгашининг 2026 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: paxtauz@mail.ru.

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37;

Диссертация автореферати 2026 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2026 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Н.Нурматов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н.,
профессор

Ж.Ҳ.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё мамлакатларида сўнги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, аҳолини сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш глобал муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Бу борада, ФАОнинг “Экологик фалокатларнинг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлигига таъсири¹” номли янги ҳисоботида қишлоқ хўжалиги экинлари ва боғ биоценозида зарарли организмларни табиий популяцияларини шаклланиши натижасида қишлоқ хўжалиги экинлари ва ўрмон хўжалиги майдонларига етказадиган зарарини баҳолашга қаратилган. Жаҳонда бугунги кунда бодом етиштириш 334000 тоннага етди. ФАОнинг 2024 йилги ҳисоботида кўра асосий бодом етиштирадиган мамлакат АҚШ бўлиб, у жаҳонда етиштириладиган бодомнинг 68% ни ташкил қилади. Бошқа давлатлар Испания (16%), Италия (4,0%), Греция (3,7%), Эрон (1,8%), Тунис (1,8%), Марокаш (1,7%), Португалия (1,1%), Туркия ундан кейинги ўринларни эгаллайди. Ушбу мамлакатларда бодомнинг энг асосий зараркунандаларидан бири бўлган *Hymenoptera* туркуми ва *Eurytomidae* оиласига мансуб бодом араси (мевахўри) (*Eurytoma samsonovi* Vass.) зараркунандаси кенг тарқалган.

Дунёда бодом зараркунандаларнинг тур таркиби, биоэкологияси, тарқалиши ва зарар келтириш даражасини ўрганган ҳолда уларга қарши кураш чорасини ишлаб чиқиш, амалиётга жорий қилиш борасида олиб борилаётган илмий изланишлар долзарб ҳисобланади. Ёнғоқ мевали дарахтларнинг сифати, ҳажми ва турларини кенгайтиришда янги турдаги бодом плантацияларини ташкил этиш, ўз навбатида бодом зараркунандаларига қарши экологик хавфсиз ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда 2024-йилда жами 7,9 минг гектар ерда бодом парваришланиб, шундан 6,2 минг гектари фермер хўжаликлари, 1,7 минг гектари эса аҳоли томорқаларига тўғри келади. Ҳар йили ўртача 27,8 минг тонна бодом етиштирилади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ-4850-сон “Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”² ги қарорида боғ, ўрмон ва манзарали дарахтлардаги зарарли организмларга қарши кураш воситаларини қўллаш услубларини ривожлантириш асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда боғ биоценозида зарарли организмларга қарши кураш, экологик, экспортбоб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, боғдорчилик соҳасини ривожлантириш ва зараркунандаларга самарали қарши кураш технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4575-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори, 2021 йил 15 июлдаги ПҚ-5185-сон «Ўзбекистон Республикаси ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигини

¹ <https://www.fao.org/newsroom/detail/first-ever-global-estimation-of-the-impact-of-disasters-on-agriculture/en>

² <https://lex.uz/ru/docs/5037201?ondate=24.11.2023>

ташкил этиш тўғрисида» ҳамда 2021 йил 15 июлдаги ПФ-6262-сон «Республикада ўсимликлар карантини ва химояси тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» ги қарор ва фармонлари ижросини таъминлаш, шунингдек бодом биценозида учрайдиган зарарли организмлар сонини бошқариш ва экспортбоб, органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқишда, соҳада қабул қилинган қарор ва меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланиши асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бодомда учрайдиган зараркунандалар ва уларни энтомофаг турларини аниқлаш бўйича жаҳонда A.Donald, H.C.Sharma, H.Sajid, бодом зараркунандаларини энтомофаг турларини кўпайтириш бўйича Li.Ying, Xie Zhang, Lepidoptera туркуми вакиллари сонини бошқариш бўйича Huang Xin, Xie Zhang, N.Sajid ва бошқалар тадқиқотлар олиб боришган.

Республикада бодом зараркунандаларини тур-таркибларини аниқлаш, биоэкологиясини тадқиқ этиш Ш.Эсанбаев, бодом зараркунандаларини турлари ҳамда боғ зараркунандаларига қарши кураш бўйича А.Ш.Хамраев, А.Ю.Осупов, Х.Шукуровлар илмий-тадқиқотлар ўтказишган. Х.Х.Кимсанбаев, Ш.Т.Хўжаев, Х.Шукуров, Э.Умурзоқов ва бошқалар боғ биценозида учрайдиган зараркунандалар ва уларни ўрганиш бўйича изланишлар олиб борган.

Юқоридаги тадқиқот ишлари маълум бир даражада бажарилган бўлиб, бугунги кунда Фарғона водийсида бодом зараркунандалари биоэкологияси ва биценозда улар сонини бошқаришнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассаси илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети Ўсимликлар карантини ва химояси кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Мевали, манзарали боғларни ва токзорларни зараркунанда ҳамда карантин организмлардан химоя қилиш чораларини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий тадқиқотлар доирасида бажарилган (2022-2024).

Тадқиқот мақсади. Бодом биценозида учрайдиган зараркунандаларнинг биоэкологиясини ўрганиш, уларнинг тур таркибини аниқлаш, шунингдек морфологик ва молекуляр (ДНК) систематик идентификацияни амалга ошириш ҳамда бодом араси (мевахўри) сонларини бошқаришда қўлланиладиган кураш воситаларининг самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Фарғона водийси бодом биценозида учровчи *Eurytomidae*, *Coccidae* va *Aphididae* оиласининг асосий вакиллари биоэкологиясини ўрганиш ва зарар етказиши бўйича фитофаглик хусусиятларини аниқлаш;

бодом араси (мевахўри) (*Eurytoma samsonovi* Vass.) нинг молекуляр (ДНК) идентификациясини аниқлаш, ҳашаротлар генбанкига жойлаштириш (NCBI) ва полимераза занжири реакциясини таҳлил қилиш;

бодом биоценозида зараркунандаларнинг табиий энтомофаунасини тадқиқ этиш, турли популяцияларининг динамик ривожланиши ва зараркунандаларга нисбатан ихтисослашганлигини аниқлаш;

бодом биоценозида қўлланилаётган инсектицидларни энтомофаг турларига таъсирини аниқлаш;

бодом биоценозида сўрувчи зараркунандаларга қарши олтинкўз (*Chrysopa septempunctata*) энтомофагини қўллаш ва биологик самарадорлигини аниқлаш;

бодом биоценозида бодом арисы (мевахўри) (*Eurytoma samsonovi* Vass.) зараркунандасига қарши кураш усулини ишлаб чиқиш ва воситаларнинг хўжалик ҳамда иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона водийси ҳудудларидаги бодом дарахти, бодом биоценозида учрайдиган сўрувчи ва кемирувчи зараркунандалари турлари ҳамда уларнинг энтомофаг турлари олинган.

Тадқиқот предмети: бодомда учрайдиган асосий зараркунандаларга қарши энтомофагларни қўллаш усули ва воситаларини биологик, хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотлар умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологиясида қабул қилинган услублар асосида амалга оширилди. Бодом боғларида дарахтларнинг таксацион кўрсаткичлари (тана диаметри, баландлиги ва бошқа морфометрик белгилари) В.К.Тузов тавсия этган услублар асосида аниқланди. Зараркунанда ва энтомофаг турларини аниқлашда Г.Я.Бей-Биенко ҳамда Л.А.Копанева аниқлагичларидан фойдаланилди. Ҳашаротларнинг тур таркиби, учраш частотаси ва доминантлик даражаси К.К.Фасулати услуби асосида баҳоланди. Паразит ва йиртқич энтомофагларнинг биологик ҳамда сифат кўрсаткичлари Б.П.Адашкевич, Т.М.Атамирзаева, Х.Х.Кимсанбаев ва А.Р.Анарбаев услублари бўйича аниқланди. Зараркунанда популяцияси динамикасини ҳисоблаш Ш.Т.Хўжаев ва Ж.Азимов услублари асосида, фенологик кузатувлар В.И.Танский услуби бўйича олиб борилди. Тажрибаларнинг биологик самарадорлиги W.C.Abbott формуласи асосида, иқтисодий самарадорлиги А.Ф.Ченкин услуби бўйича ҳисобланди. Олинган натижалар Б.А.Доспехов услуби асосида математик-статистик таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат: Фарғона водийси бодом биоценозида учрайдиган *Eurytomidae*, *Coccidae* va *Aphididae* оиласининг асосий вакиллари биоекологияси ўрганилган ва фитофаглик хусусиятлари аниқланган;

бодом арисы (мевахўри) (*Eurytoma samsonovi* Vass.) турининг молекуляр (ДНК) идентификацияси аниқланган, полемераза занжири реакцияси таҳлил қилинган ҳамда олинган маълумотлар халқаро ҳашаротлар генбанкига (NCBI) киритилган;

бодом биоценозида 6 та туркум, 12 та оила ва 39 та турдаги энтомофаг популяциялари ривожланиши ва турли даражаларда учраши аниқланган;

Trichogramma dendrolimi, *Trichogramma pintoi* va *Bracon hebetor* турларини бодом биоценозларида Lepidoptera туркум вакилларига қарши қўлланиладиган Аваунт 15 % э.к. (0.4 л/га) инсектициди билан биргаликда қўлланилганида 82,6 % биологик самарадорликка эришилган;

бодом биоценозида шафтоли шираси (*Myzodes persicae*) зараркунандасига қарши олтинкўз (*Chrysopa septempunctata*) энтомофаги қўлланилганида 81,8% биологик самарага эришилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Фарғона водийси бодом биоценозида 6 та туркумга, 13 та оилага мансуб бўлган 18 турдаги зараркунанда турлари аниқланган. Фарғона водийсида бодом арисси (мевахўри)ни ўртача учраш даражаси битта модуль дарахтида 76,6 донани, зарарланган мевалар сони 297,5 донани ва Фарғона водийси бўйича бодом дарахтини зарарланиш даражаси 51,8% эканлиги аниқланган;

Фарғона водийси бодом биоценозида бодом арисси (мевахўри) (*Eurytoma samsonovi* Vass.) турининг турли босқичдаги авлодлари йиғилган ҳамда молекуляр идентификация қилинган. Ушбу амалий ишдан кўзланган асосий мақсадга эришилган ва бодом арисси (мевахўри) (*Eurytoma samsonovi* Vass.) турини полемераза занжири реакциясини таҳлил қилинган ҳамда халқаро хашаротлар генбанкига (NCBI) 21.07.2024 йил куни жойлаштирилди;

Фарғона водийси бодом биоценозида учрайдиган зараркунандаларга қарши олтинкўз энтомофаги қўлланилганидан сўнг 7 кунда 64,7%, 9 кунда 72,5% ва 11 кунга келиб эса 81,8% биологик самарадорликни кўрсатди. Tvingo sus.k. препарати қўлланилганда назоратга нисбатан сақлаб қолинган қўшимча ҳосил 4,5 центнерни, бир сўмни қопланиши 11,0 сўм ва рентабеллик эса 110% ни ташкил этди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация иши илғор усул ва воситалардан фойдаланилган ҳолда ўтказилганлиги, амалий натижаларнинг назарий асосларига мос келиши, олинган натижалар республика ва хорижий олимларнинг тажрибалари билан таққосланганлиги, натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, олинган натижалар амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Бодом биоценозида учрайдиган “*Eurytomidae, Coccidae* ва *Aphididae*” оиласи вакиллари тур таркиблари аниқланганлиги, зараркунандаларни тарқалиши, турли популяцияларини шаклланиши, зарар етказиш мезонлари ва уларга қарши *Trichogramma dendrolimi*, *Trichogramma pintoï* ва *Bracon hebetor* турлари ва Tvingo sus.k. препаратини қўллаш усуллари, уйғунлашган усулнинг самарадорлиги илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, Фарғона водийси бодом биоценозида тарқалган *Eurytomidae, Coccidae* ва *Aphididae* оиласининг асосий вакиллари микдорини бошқаришда энтомофаглар ва инсектацидларни қўллашнинг ресурс тежамкор усулларида фойдаланилганлиги, амалдаги усулларнинг (фақат кимёвий) ўзаро таққосланганлиги ва уларни амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Фарғона водийсида бодом зараркунандалари биоэкологияси ва биоценозда улар сонини бошқариш усуллари” бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

“Бодом (*Amygdalis communis* L.) зараркунандаларини биоэкологияси ва уларга қарши кураш усуллари” номли тавсиянома ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 27 август 05/06-04-492-сон маълумотномаси).

Ушбу тавсиянома Олий таълим муассасалари ўқув ва илмий ишлаб чиқариш жараёнлари ҳамда боғдорчиликка ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжаликларида қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

бодом биоценозида учрайдиган зараркундаларни тур-таркиблари, турли популяцияларини тарқалиши ва улар сонини бошқаришда Tvingo sus.k va A'lfatoro 15% кимёвий препаратларини қўлланилиши Фарғона вилояти Қува туманида “Қува томорқа ер участкаларини ривожлантириш илмий-амалий марказ томорқа хизмати” МЧЖ 10 га майдонида ҳамда Фарғона туманининг Ўрмон хўжалиги “Каптархона” бўлимининг 12 га майдонида жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 27 август 05/06-04-492-сон маълумотномаси). Натижада биологик самарадорлик 94,6% ни ташкил этган;

бодом биоценозида учрайдиган бодом арисига (мевахўри) (*Eurytoma samsonovi* Vass.) қарши Espero ва A'lfatoro 15% кимёвий препаратлари Андижон вилояти Избоскан тумани “Абдуқодиржон асл мероси” ф/х нинг 6,2 га ҳамда Пахтабод тумани “Organic Garden of Almond” ф/х нинг 81 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 27 август 05/06-04-492-сон маълумотномаси). Натижада биологик самарадорлик 95% ни ташкил этган;

бодом биоценозида учрайдиган зараркундаларга қарши олтинкўз энтомофагини 1:5 нисбатда қўллаш Андижон вилояти Избоскан тумани “Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчмлик ва виночилик ИТИ” тажриба станциясида 1,0 га ва Асака тумани “Rivoj invest agro” ф/х 15 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 27 август 05/06-04-492-сон маълумотномаси). Натижада биологик самарадорлик ўртача 81,8% ни ташкил этган. Шунингдек бодом биосенозида учрайдиган зараркундаларга қарши кимёвий ва биологик усулларни интеграсия қилиш технологияси ишлаб чиқилган ва бодом боғларидан гектарига 6,5 ва 7,0 центнер қўшимча ҳосилни сақлаб қолиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотлар Тошкент давлат аграр университетининг махсус комиссияси томонидан апробациядан ўтказилган ва “яхши” баҳоланган. Йиллик ҳисоботлар университетининг услубий ва илмий кенгашларида муҳокама қилинган. Илмий тадқиқот натижалари 4 та Республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот натижалари бўйича 9 та илмий мақола ва тезислар эълон қилинган бўлиб, шундан 1 та мақола халқаро ва 3 та маҳаллий журналда, 4 та республика ва халқаро илмий анжуманларда, 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 120 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотлар долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда предмети ва объектлари тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бодом биоценозида учрайдиган зараркунандалар ва улар сонини бошқариш бўйича адабиётлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, интернет маълумотлари, кўплаб олимларнинг илмий ишлари натижалари ўрганилиб, бодом биоценозида турли зараркунандалари, уларнинг биологик хусусиятлари, зарарлилик даражаси, зараркунандаларга қарши кураш усулларининг ўрганилганлиги бўйича ўтказилган илмий тадқиқот натижалари ҳамда бодом биоценозида уйғунлашган кураш чораларининг долзарблиги ва вазифалари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказилган жойнинг иқлим шароити ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойнинг иқлим шароити, табиий геграфик ва агрометеорологик тавсифи ва тажриба ўтказиш шароити бўйича илмий иш манбалари ва иш услублари келтирилган.

Тадқиқотлар 2022-2024 йиллар мобайнида Фарғона водийси боғ биоценозида ўтказилган. Лаборатория тадқиқотлари Тошкент давлат аграр университети **“Ўсимликларни ҳимояси ва карантини”** кафедраси лабораторияларида ўтказилган. Тадқиқот объекти сифатида бодом дарахтлари, уларда учровчи зараркунанда ҳашаротлар, жумладан бодом арисси (*Eurytoma samsonovi* Vass.), уларнинг турли ривожланиш босқичлари, шунингдек паразит ва йирткич энтомофаглар олинган. Бодом дарахтларининг морфометрик кўрсаткичлари, жумладан тана диаметри ва баландлиги В.К.Тузов (2003) ва бошқалар томонидан тавсия этилган услублар асосида баҳоланган.

Тадқиқотлар жараёнида МБС-2, МБИ-3 микроскоплари, TELSA BS-613 электрон микроскопи, MEMMERT E05273 русумли инкубатор-термостат ҳамда бошқа замонавий лаборатория жиҳозларидан фойдаланилди. Тажрибалар натижаларининг биологик самарадорлиги W.C.Abbott (1925) формуласи асосида, иқтисодий самарадорлиги эса А.Ф.Ченкин услублари бўйича баҳоланган. Олинган маълумотларга Б.А.Доспехов (1985) услублари асосида математик-статистик ишлов берилган ҳамда вариантлар ўртасидаги ишончли фарқлар энг кичик фарқ (ЭКФ) кўрсаткичи бўйича баҳоланган.

Диссертациянинг **«Фарғона водийси бодом биоценозида учрайдиган зараркунандалар биоэкологияси, тарқалиши ва зарари»** деб номланган учинчи бобида бодом биоценозида учрайдиган зараркунандаларни тур-таркиблари тадқиқ этилган (1-жадвал).

Фарғона водийси бодом биоценозида учрайдиган зараркундаларни биоценозда озиқа занжирида иштирок этадиган ўсимлик турларини аниқлаш (Фарғона “Қува томорқа ер участкаларини ривожлантириш илмий-амалий марказ томорқа хизмати” МЧЖнинг тажриба майдонларида, 2019-2023 йй.) (Фарғона вилояти тажриба майдонларида, 2019-2023йй)

№	Зарарли фитофаг турлари	Учраш даражаси	Зарарланган дарахт тури	Зарарланган дарахт органи	Зарарловчи босқичи
1	Бодом арисси (<i>мевахўри</i>) (<i>Eurytoma samsonowi</i> Vass).	+++	Бодом, ўрик, олхўри ва шафтоли	Мева	Личинка
2	Олхўри сохта қалқондори (<i>Sphaerolecanium prunastri</i> Fonsc).	+	Ўрик, бодом, олма, нок, шафтоли, олхўри	Тана, новда, мева	Личинка, имаго
3	Турон сохта қалқондори (<i>Rhodococcus turanicus</i> Search)	+	Наматак, олма, ёнғоқ, бодом, нок, шафтоли ва олхўри	Тана, новда	Личинка, имаго
4	Акатция сохта қалқондори (<i>Parthenolecanium corni</i> Bouche)	+	Нок, жийда, олма, бодом, терак, жийда, тол	Тана, новда, мева	Личинка, имаго
5	Саратон цикадаси (<i>Cicadatra ochreate</i> Mel)	+	Ўрик, бодом, олма, нок, шафтоли, олхўри, ёнғоқ, тол, терак, жийда, чинор, тут	Новда, барг	Личинка, имаго
6	Бинафшаранг қалқондор (<i>Parlatoria oleae</i> Colve)	++	Наматак, ўрик, шафтоли, олча, бодом, гилос, олма	Тана, новда, мева	Личинка, имаго
7	Олхўри қалқондори (<i>Tecaspis asiatica</i> Arch.)	++	Ўрик, олхўри, бодом, шафтоли, гилос, наматак	Тана, новда, мева	Личинка, имаго
8	Комсток курти (<i>Pseudococcus comstocki</i> Rush)	+	Бодом, олма, нок, шафтоли, олхўри, ўрик, ёнғоқ, тол, терак, жийда, тут	Ёш новда	Личинка, имаго
9	Шафтоли шираси (<i>Myzodes persicae</i> Sulz)	+++	Олма, шафтоли, ўрик, нок, бодом, гилос, наматак, олча	Ёш новда, барг	Личинка, имаго
10	Қора златка (<i>Capnodis tenebrionis</i> L)	++	Олча, олма, бодом, шафтоли, гилос	Барг банди, куртаклар, новда, пўстлоғи, илдиз ва илдиз бўғзида	Личинка, имаго
11	Барг филчаси (<i>Polydrusus cervinus</i> Term)	+	Олма, бодом, жийда, тол, шафтоли	Ёш новда, барг банди.	Личинка
12	Шарқ мевахўри (<i>Grapholita molesta</i> Busck)	++	Шафтоли, ўрик, олма, бодом, гилос	Ёш новда, мева, ўсув нукта, барг.	Личинка
13	Олма куяси (<i>Yponomeuta malinellus</i> Zell)	+	Олма, нок, бодом	Барг	Личинка
14	Барг парвонаси (<i>Recurvaria nanella</i> Denis)	++	Бодом, олма, нок, шафтоли, ўрик ва олхўри	Куртак, барг, гул.	Личинка
15	Ғилофли куя (<i>Coleophora heterobiola</i> Fil).	++	Олма	Ёш новда, куртак, гул, барг	Личинка
16	Гирдак куя (<i>Cemistoma scitella</i> Zell)	++	Олма, шафтоли, ёнғоқ, ўрик, бодом	Куртаклар, барг, гул	Личинка
17	Баҳорги кўк капалак (<i>Cyaniris argiolus</i> L)	+	Олма, нок, бодом, шафтоли, ўрик	Ёш новда, куртак, гул, барг	Личинка
18	Ўргимчаккана (<i>Tetranychus urticae</i> Koch)	+++	Шафтоли, олхўри, ўрик, ёнғоқ, тол, терак, жийда, тут	Барг	Личинка, имаго

Изоҳ: + + + жуда кўп (81-100%), + + ўртача кўп (52-80%), + оз учради (6-51%), - (0 %) учрамади.

Унга кўра бодом ариси (мевахўри) 72,4%, олхўри сохта қалқондори 38,7%, турон сохта қалқондори 12,6%, акация

сохта қалқондори 15,7%, олхўри қалқони 24,9%, комсток қурти 42,2%, шафтоли шираси 38,6%, қора златка 21,0%, шарқ мевахўри 29,8%, барг парвонаси 18,9%, гирдак куя 24,3%, баҳорги кўк капалак 16,4%, ўргимчаккана 48,5% микдорларда учраганлиги маълум бўлган.

Ушбу зараркунандалар ичида бодомга энг кўп иқтисодий зарар етказадиган тур бодом ариси (мевахўри) 72,4% ва нисбатан энг кам зарар етказадиган тур эса турон сохта қалқондори 12,6% эканлиги тадқиқотлар натижасида аниқланди. Бодом ариси (мевахўри) (*Eurytoma samsonovi* Vass) билан зарарланган 465 та, 2019 йилда 860 та, 2023 йилда 1250 та ва 2024 йилда эса 500 та зарарланган бодом меваларини йиғиб кузатиш ва илмий тадқиқот ишлари олиб борилган (1-расм).



1-расм: Бодом биоценозидан йиғилган хашаротларни систематикасини аниқлаш ва гуруҳларга ажратиш (Тошкент давлат аграр университети лабораторияси, 2019-2023 йй.)


Зарарланган бодом меваларидан зараркунанданинг тухумлари, личинкалари ва ғумбаклари ажратиб олиниб лаборатория шароитида морфологик систематика қилинди ва зараркунанданинг турли хилдаги авлодлари билан илмий изланишлар олиб борилган.

Бодом ариси (мевахўри) (*Eurytoma samsonovi* Vass) зараркунандаларини қишловдан чиқишида биринчи бўлиб эркак зотлари учиб чиқиши аниқланди. Бу жараён 2021-2024 йиллар оралиғида 10 апрелдан 20 апрелгача ҳаво ҳароратига қараб (ўртача ҳаво ҳарорати 16,9⁰С, ҳавонинг нисбий намлиги 67,6%) учиб чиқиши аниқланди. Йиллар кесимида ўртача 15 апрелдан бошлаб бодом мевахўрини 85% эркак авлодлари ва 15% урғочи авлодлари учиб чиққанлиги аниқланган.

Бодомнинг асосий зараркунандаси бодом арисы (мевахўри)ни (*Eurytoma samsonovi*) турининг молекуляр (ДНК) идентификациясини аниқлаш ва маълумотлар базасига (NCBI) жойлаш бўйича ишлар олиб борилган.

Биоинформатик таҳлил натижаларига кўра, *E.samsonovi* тури генбанк базасидан олинган *E.rhois* (кириш рақами: KY525197) турининг нуклеотидлари ўртасида 69 та нуклеотидларда фарқланишлар борлиги аниқланган.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, *E.samsonovi* турининг нуклеотиди билан, генбанк базасидан олинган *E.rhois* (кириш рақами: KY525197) турининг нуклеотидлари ўртасида қуйидаги фарқланишлар аниқланган (2-расм).



2-расм. Бодом арисы (мевахўри) нинг (*Eurytoma samsonovi* Vass) авлодлари молекуляр (ДНК) идентификациясини аниқлаш электрофорез жараёни.

Диссертациянинг «Бодом зараркунандалари сонини бошқаришда самарали энтомофаглар ва инсектицидларни аниқлаш» деб номланган тўртинчи бобида Фарғода водийси бодом биоценозида 6 та энтомофаг туркумлари, яъни *Mesostigmata*, *Coleoptera*, *Neuroptera*, *Diptera*, *Hemiptera*, *Hymenoptera* вакиллари нинг жами 12 оилага *Phytoseiidae*, *Coccinellidae*, *Chrysopidae*, *Chamaemyiidae*, *Cecidomyiidae*, *Syrphidae*, *Nabidae*, *Ichneumonidae*, *Aphidiidae*, *Aphelinidae*, *Trichogrammatidae*, *Braconidae* мансуб жами 39 турдаги паразит ҳамда йиртқич энтомофаг турлари аниқланган.

Бодом биоценозида 18 турдаги зараркунандалар турли даражаларда учраганлигини юқоридаги тадқиқотларимиз натижаларида ёритган эдик. Ушбу зараркунандалардан асосийлари бўлган бодом арисы (мевахўри) (*Eurytoma samsonovi* Vass), шафтоли ширасы (*Myzodes persicae*), шарқ мевахўри (*Grapholitha molesta*) зараркунандалари бодомда асосий зараркунандалар бўлиб ҳисобланганлиги учун ушбу зараркунандаларни сонини бошқаришда кимёвий препаратларни қўллаш ва уларни энтомофаунага таъсирини аниқлаш бўйича лаборатория шароитида илмий тадқиқотлар олиб борилган (3-расм).



**3-расм. Ярм ой сирфид (*Syrphus corollae* F)
(Фарғона вилояти Қува тумани популяцияси, 2022 й.).**

Кимёвий воситалар зараркунанда ва уларнинг энтомофагларига қарши қўлланилаётганда ҳаво ҳарорати $+32\pm 2C^0$ ҳавонинг нисбий намлиги $62\pm 3\%$ га тенг бўлган термостатга (ТДАУ. МЕММЕРТ Э05273) қўйилган ва ҳар куни ҳисоб қилиб борилган. Ушбу тадқиқотларимизнинг биринчи босқичида бодом арисси (мевахўри) (*Eurytoma samsonovi* Vass) зараркунандасига қарши қўлланиладиган инсектицидларни бодом биоценозида учрайдиган трихограмма турларига таъсирини аниқлаш бўйича олиб борилганда юқоридаги 7 та турдаги кимёвий препаратларнинг 5 та турида трихограмма авлодлари қисман ва 2 турида эса тўлиқ ривожланганлигини аниқланган.

Диссертациянинг «**Фарғона водийси бодом биоценозида учрайдиган зараркунандаларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини аниқлаш**» деб номланган бешинчи бобида бодом арисси (мевахўри) (*Eurytoma samsonovi* Vass) зараркунандасига қарши турли кураш усуллари келтирилган. Кимёвий ишловлар зараркунанда имаголари энг кўп бўлган давр апрел ойида ўтказилган. Бу даврда бир туп модел дарахтида зараркунандаларнинг ўртача авлодлари сони 3,8 донани ташкил этган.

Шундан сўнг ажратиб олинган кимёвий препаратларни бодом арисси (мевахўри) (*Eurytoma samsonovi* Vass) зараркунандасига қарши қўлланди. Унга кўра, Твинго сус.к. 15% сус.к. препарати қўлланилганида 3 кунда 74,0%, 7 кунда 82,6% ва 14 кунда эса 94,8% биологик самарадорлик аниқланди. Альфаторо 25% сус.к инсектициди қўлланилганида эса 3 кунда 75,6%, 7 кунда 86,2% ва 14 кунда эса 90,2% биологик самарадорликка эришилди. Циперметрин 0,2 л/га+Циперфос препарати қўлланилганида 3-кунда 66,4%, 7-кунда 84,5% ва 14-кунда эса 78,9% биологик самарадорлик кузатилди. Аваунт 15% э.к кимёвий препарати қўлланилганда 3 кунда 71,3%, 7 кунда 86,6% ва 14 кунда эса 87,5% биологик самарадорликка эришилди (2-жадвал).

**Бодом арисы (мевахўри) (*Eurytoma samsonovi* Vass) зараркунандаси миқдорини
бошқаришда кимёвий воситаларни қўллаш ва биологик самарадорлигини аниқлаш
(Фарғона вилояти Қува тумани, 2022-2023 йй).**

№	Вариант	Препаратлар нинг таъсир этувчи моддаси	Препар ат сарф меъёри	Зарарланган модуль дарaxти, донa	Ишлов дан олдин зарарку нанда сони, дона	Ишловдан кейин бир туп дарaxтдаги зараркунанда сони, донa		
						3 кун	7 кун	14 кун
					личинка	личинка	личинка	личинка
1.	Твинго сус.к. 15% сус.к.	imidacloprid+ abamectin	0,4 л/га.	1	13,4±06	1,2	0,9	0,5
2.	Альфа торо 25% сус.к	imidacloprid	0,2 л/га.	1	13,8±07	1,1	0,7	0,8
3.	Циперметрин 0,2 л/га+Циперфос	Cypermethrin	1,0 л/га	1	14,2±02	1,9	0,8	1,2
4.	Аваунт 15 % э.к	indoxacarb	0,4 л/га.	1	14,0±03	1,6	0,9	1,1
5.	Эсперо сус.к.	imidacloprid+ alpha- sypermethrin	0,15 л/га	1	13,5±05	1,0	0,4	0,6
6.	Энтова́нт 15 % эм.к.	indoxacarb	0,4 л/га.	1	12,8±04	2,3	0,9	1,7
7.	Назорат (суб)	-	-	1	13,5±04	-	-	-
Биологик самарадорлик, %								
1.	Твинго сус.к. 15% сус.к.	imidacloprid+ abamectin	0,4 л/га.	1	13,4±06	74,0	82,6	94,8
2.	Альфа торо 25% сус.к	imidacloprid	0,2 л/га.	1	13,8±07	75,6	85,4	90,2
3.	Циперметрин 0,2 л/га+Циперфос	Cypermethrin	1,0 л/га	1	14,2±02	66,4	84,5	78,9
4.	Аваунт 15 % э.к	indoxacarb	0,4 л/га.	1	14,0±03	71,3	86,6	87,5
5.	Эсперо сус.к.	imidacloprid+ alpha- sypermethrin	0,15 л/га	1	13,5±05	78,5	87,3	92,8
6.	Энтова́нт 15 % эм.к.	indoxacarb	0,4 л/га.	1	12,3±06	62,4	82,4	67,8
7.	Назорат (суб)	-	-	1	13,5±04	-	-	-

Изоҳ: Тажриба 3 тақрорда олиб борилди. Жадвалда келтирилган маълумотлар ўртача қиймат ± ўртача хатолик ($M \pm m$) кўринишида берилган.



4.-расм. Бодом биоценозида учрайдиган зараркундалар ва уларнинг энтомофагларига инсектицидларни таъсирини аниқлаш (ТДАУ Лаборатория тажрибалари, 2022-2024 йй. 314-316-лабораториялар).

Эсперо сус.к. инсектициди қўлланилганида 3 кунда 78,5%, 7 кунда 96,2% ва 14 кунда эса 92,8% биологик самарадорлик аниқланган. Андоза сифатида Энтовант 15 % эм.к. кимёвий препарати танлаб олинди ва биологик самарадорлиги аниқланди. Унга кўра 3 кунда 62,4%, 7 кунда 82,4% ва 14 кунда эса 67,8% биологик самарадорлик аниқланган Шафтоли шираси битта бодом баргида ўртача 16 ± 2 донагача борлиги аниқланди. Тажрибалар давомида ҳаво ҳарорати ўртача $+24 \pm 2^\circ\text{C}$, ҳавонинг нисбий намлиги $60 \pm 2\%$ бўлганлиги кузатилди. Олтинкўз энтомофаги зараркунандага қарши тухумлик фазасида махсус латтачаларда 1 гектар майдоннинг ажратиб олинган 5 та модел дарахтида олиб борилган. Йиртқич энтомофаг модел дарахтидаги шираларни ўртача миқдори чиқарилган ҳолда 1:5, 1:10 ва 1:15 миқдорларда тарқатилди. Энтомофагларни биологик самарадорлиги ҳар 3 кунда ҳисоб қилиб борилган (3-жадвал).

3-жадвал

Бодом биоценозида шафтоли шираси (*Myzus persicae*) зараркунандасига қарши олтинкўз (*Chrysopa septempunctata*) энтомофагини қўллаш ва биологик самарадорлигини аниқлаш (Фарғона вилояти Кува туманининг “Кува томорқа ер участкаларини ривожлантириш илмий-амалий марказ томорқа хизмати” МЧЖ 10 гектар боғ майдони, 2022-2024 йй)

Вариант	Ширалар сони, дона		Кунлар бўйича биологик самарадорлик, %		
	Битта баргдаги	Битта модел дарахтида ўртача	7	9	11
Йиртқич:шира 1:5	$11,4 \pm 02$	$1124,2 \pm 0,04$	64,7	72,5	81,8
Йиртқич:шира 1:10	$16,5 \pm 08$	$1542,6 \pm 0,03$	58,6	65,3	70,4
Йиртқич:шира 1:15	$14,8 \pm 04$	$1396,3 \pm 0,06$	46,5	57,4	65,2
Назорат	$15,2 \pm 06$	$1487,4 \pm 0,05$	-	-	-
Ўртача			45,6	65,0	72,4

Унга кўра биринчи вариантимида шафтоли ширасига қарши 1:5 (йиртқич:хўжайин) нисбатларида олтинкўз энтомофаги қўлланилганидан 7 кундан кейин 64,7%, 9-кунда 72,5 % ва 11-кунга келиб эса 81,8% биологик самарадорликни кўрсатди. Иккинчи вариантимида эса 7 кундан сўнг 58,6%, 9-кунда 65,3% ва 11-кунда эса 70,4% биологик самарадорликка эришилган. Учинчи вариантимида эса зараркунандага қарши 1:15 нисбатда олтинкўз энтомофаги қўлланилганида 7 кунда 46,5%, 9 кунда 57,4% ва 11 кунда эса 65,2% биологик самарадорликка эришилди ва ўртача биологик самарадорлик 11-кунда аниқланганда, 72,4% бўлганлиги кузатилди. Бодом арисси (мевахўри) (*Eurytoma samsonovi* Vass) микдорини бошқаришда кураш воситаларининг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

ХУЛОСАЛАР

1. Фарғона водийси бодом биоценозида зараркунандаларнинг 6 та туркум, 13 та оила, 18 турдаги зараркунанда турлари аниқланиб, бодом биоценозида учраш динамикаси баҳоланган. *Eurytomidae* оиласига мансуб бодом арисси (*Eurytoma samsonovi* Vass) зараркунандаси фитофаглик хусусиятига кўра монофаг эканлиги аниқланди. Қолган *Coccidae* ва *Aphididae* оилаларига мансуб олхўри сохта қалқондори (*Sphaerolecanium prunastri* Fonsc), шафтоли шираси (*Myzodes persicae* Sulz) зараркунандалари 5 дан ортиқ дарахт турлари билан озикланганлиги аниқланиб фитофаглик хусусиятларига кўра полифаг эканлиги аниқланди.

2. Фарғона водийси бодом биоценозида кенг тарқалган бодом арисси (*Eurytoma samsonovi*), шафтоли шираси (*Myzus persicae*), олхўри сохта қалқондори (*Sphaerolecanium prunastri*) зараркунандаларининг озикланиши, тарқалиши, популяцияларини ривожланиши ва бодом дарахтини зарарланганлиги аниқланган.

3. Фарғона водийсида бодом арисси (мевахўри)ни ўртача учраш даражаси битта модул дарахтида 76,6 донани, зарарланган мевалар сони 297,5 донани ва Фарғона водийси бўйича бодом дарахти мевалари зарарланиши 51,8% эканлиги аниқланган. Натижада ишлов ўтказилмаган майдонларда ўртача 56 % гача бодом хосили нобуд бўлиши кузатилди.

4. Илк маротаба *Eurytoma samsonovi* Vass авлодини генетик таҳлиллари амалга оширилиб, мДНК сини узунлиги 704 жуфт асосга эга бўлган нуклеотидлар ажратиб олинган. Биоинформатик таҳлил натижаларига кўра, *E.samsonovi* тури генбанк базасидан олинган *E.rhois* турининг полимераза занжирида нуклеотидлари ўртасида 69 та нуклеотидлар фарқланиши борлиги аниқланди. Ушбу зараркунанда бодом мевахўри эмас, айнан бодом арисси эканлиги генетик тарафдан исботланган. Олинган маълумотлар генбанк базасига PP736568 кириш рақами билан 21.07.2024-йилда жойлаштирилган.

5. Фарғона водийси бодом биоценозида жами 6 туркумдаги энтомофаг *Mesostigmata*, *Coleoptera*, *Neuroptera*, *Diptera*, *Hemiptera*, *Hymenoptera* вакиллариининг жами 12 оилaga *Phytoseiidae*, *Coccinellidae*, *Chrysopidae*, *Chamayemyiidae*, *Cecidomyiidae*, *Syrphidae*, *Nabidae*, *Ichneumonidae*, *Aphidiidae*, *Aphelinidae*, *Trichogrammatidae*, *Braconidae* мансуб 39 турдаги паразит ҳамда

йиртқич энтомофаг турлари учраганлиги ҳамда бодом биоценозида жами 12 турдаги зараркунандалар сонини маълум бир миқдорда бошқариб туриши аниқланган. Кенг тарқалган энтомофаг сифатида *Syrphus corollae* ва *Lysiphlebus fabarum* энтомофаглари қайд этилган ва ўсимлик шираларига нисбатан ўртача 1:27 нисбатга тўғри келганлиги аниқланган.

6. Бодом биоценозида қўлланиладиган трихограмма ва олтинкўз энтомофагларига 7 турдаги кимёвий инсектицидларни тасири аниқланган. Унга кўра Твинго сус.к. 15% сус.к. (imidacloprid+abamectin), Аваунт 15% э.к. (indoxacarb), Альфа торо 25% сус.к. (imidacloprid), Дифуз 48 % к.с (diflubenzuron), Талстар 10% э.к. (Bifentrin) ва Карате 5% э.к. (Lambda-cyhalothrin), Эсперо сус.к. (imidacloprid+alpha-supermetrin) препаратлари билан ишлов берилганда фақат Аваунт 15% э.к., препаратида трихограмма авлодлари тўлиқ ривожланишини 64 % гача, олтинкўз энтомофаги эса 28 % гача сақлаб қолинган. Қолган барча турдаги кимёвий препаратларда энтомофаглар тўлиқ нобуд бўлганлиги аниқланган.

7. Олтинкўз энтомофагини шафтоли ширасига қарши 1:5 (йиртқич:хўжайин) нисбатларида олтинкўз энтомофаги қўлланилганда энг юқори кўрсаткич 11 кунга 81,8 % биологик самарадорликка эришилган.

8. Бодом биоценозида бодом арисы (*Eurytoma samsonovi*) миқдорини бошқаришда 2 турдаги (инсектицид, биоинсектицид) кураш воситалари қўлланилган. Унга кўра Твинго сус.к. 15% сус.к. (imidacloprid+abamectin) препарати қўлланилганда, назоратга нисбатан сақлаб қолинган қўшимча ҳосил 4,5 центнер, бир сўмни қопланиши 11,0 сўм, рентабеллик 110% га, Баверин биоинсектицид препарати қўлланилганда назоратга нисбатан сақлаб қолинган қўшимча ҳосил 3,8 центнер, бир сўмни қопланиши 8,1 сўм, рентабеллик 81,9 % га тенг бўлганлиги аниқланган.

9. Фарғона водийси бодом биоценозида учрайдиган зараркунандаларга қарши кураш ва улар сонини бошқариш учун систематик таҳлил қилишда, маълумотларни ишончлилигини текшириш учун NCBI баъзаси маълумотларига солиштириш;

бодом биоценозида ўсимлик шираларини (10-апрел, 10-июн) оммавий кўпайиш даврида олтинкўз энтомофагини бир йилда 6 мартаба 1:5 нисбатда гектарига 2 мингтадан қўллаш;

бодом биоценозида ўргимчаккана зараркунандасини оммавий кўпайиш даврида (20 июн - 20 август) олтинкўз энтомофагини бир йилда 9 мартаба 1:5 нисбатда гектарига 2 мингтадан қўллаш;

кемирувчи зараркунандаларга қарши кураш чораларини қўллашда энтомофаглар (олтинкўз, трихограмма) билан Аваунт 15% э.к. 0,4 л/га сарф меъёрида ишлатиш ва бунда биринчи Аваунт 15% э.к. 0,4 л/га препарати қўлланилгандан бир кундан сўнг энтомофагларни тарқатиш;

Бодом арисы (*Eurytoma samsonovi* Vass.) имаголари учиб чиқишининг бошланиш даврига тўғри келувчи апрел ойининг биринчи декадасида (ўртача ҳаво ҳарорати 16,9°C, ҳавонинг нисбий намлиги 67,6%) *Beauveria bassiana* асосидаги "Baverin" биопрепаратини гектарига 600 л ишчи эритма ҳисобида ва 7 л/га сарф меъёрида қўллаш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.08/2025.27.12.Qx.01.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И
АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ХАСАНОВ АНВАР МУРОТАЛИЕВИЧ

**БИОЭКОЛОГИЯ ВРЕДИТЕЛЕЙ МИНДАЛЯ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ
И МЕТОДЫ УПРАВЛЕНИЯ ИХ ЧИСЛЕННОСТЬЮ В БИОЦЕНОЗЕ**

06.01.09 – Защита растений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2026

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № B2025.1. PhD/Qx637.

Диссертация доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице научного совета (www.psuyaiti.uz) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz)

Научный руководитель:	Жумаев Расул Ахматович доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Официальные оппоненты:	Эшчанов Баходир Рузимбаевич доктор сельскохозяйственных наук, доцент
Ведущая организация:	Хайтмуратов Арсланбек Файзуллаевич доктор сельскохозяйственных наук, профессор Научно-исследовательский институт садоводства, виноградарства и виноделия имени академика М.Мирзаев

Защита диссертации доктора философии (PhD) состоится «__» _____ 2026 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.08/2025.27.12.Qx.01.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, МСГ Ботаника, ул. УзНИИХ. НИИССАВХ. Тел.: (99878) 150-62-84, факс: (99871) 150-61-37, e-mail: paxtauz@mail.ru).

С диссертацией доктора философии (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована за номером _____). (Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, МСГ Ботаника, ул. УзНИИХ. НИИССАВХ Тел.: (99878) 150-62-84, факс: (99871) 150-61-37.

Автореферат диссертации разослан 2026 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от2026 года)

Ш.Н.Нурматов
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор

Ф.М.Хасанова
Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.с.х.н., профессор

Ж.Х.Ахмедов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В последние годы в странах мира производство сельскохозяйственной продукции и обеспечение населения качественными продуктами питания становится одной из глобальных проблем. В связи с этим в новом отчете ФАО "Влияние экологических катастроф на сельское хозяйство и продовольственную безопасность" особое внимание уделяется оценке ущерба, наносимого сельскохозяйственным культурам и лесным угодьям в результате формирования естественных популяций вредных организмов в биоценозах сельскохозяйственных культур и садов. В настоящее время мировое производство миндаля достигло 334000 тонн. Согласно отчету ФАО за 2024 год, ведущим производителем миндаля являются Соединённые Штаты Америки, на долю которых приходится 68 % мирового производства. В других странах как Испания (16 %), Италия (4,0 %), Греция (3,7 %), Иран (1,8 %), Тунис (1,8 %), Марокко (1,7 %), Португалия (1,1 %) и Турция. В этих странах одним из наиболее опасных вредителей миндаля является миндальная плодожорка (*Eurytoma samsonovi* Vass.), относящаяся к отряду *Hymenoptera* и семейству *Eurytomidae*, который широко распространен в районах возделывания миндаля.

В мире актуальными являются научные исследования, проводили на основе изучения видового состава вредителей миндаля, их биоэкологии, распространения и степени вредоносности, разрабатывают и внедряют в производство меры борьбы с ними. Важное значение, имеют научно-исследовательские работы по созданию новых типов миндальных плантаций с целью повышения качества, увеличения объёмов производства и расширения ассортимента орехоплодных культур, в свою очередь, это требует разработки экологически безопасной системы защиты миндаля от вредителей и внедрения её в производство.

В нашей республике в 2024 году миндаль выращивался на общей площади 7,9 тысячи гектаров, из которых 6,2 тысячи гектаров приходится на фермерские хозяйства, а 1,7 тысячи гектаров - на приусадебные участки населения. Ежегодный объём производства миндаля в среднем составляет 27,8 тыс. тонн. В связи этим в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 6 октября 2020 года №ПП-4850 "Об утверждении Концепции развития системы садоводства в Республике Узбекистан до 2030 года" одной из основных задач является разработка методов применения средств борьбы с вредными организмами в садах, лесах и декоративных насаждениях. Для реализации данных задач особое значение имеют разработка и внедрение эффективных технологий борьбы с вредными организмами в садовых биоценозах, производство экологически чистой и экспортноориентированной сельскохозяйственной продукции, развитие садоводства, а также создание современных систем защиты растений от вредителей.

¹ <https://www.fao.org/newsroom/detail/first-ever-global-estimation-of-the-impact-of-disasters-on-agriculture/en>

² <https://lex.uz/uz/docs/5037201?ondate=07.10.2020%2000>

Данная диссертационная работа в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 28 января 2020 года № ПП-4575 "О мерах по реализации задач, определенных в Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы, Постановлении Президента Республики Узбекистан от 15 июля 2021 года № ПП-5185 «Об организации Агентства по карантину и защите растений Республики Узбекистан»; в Указе Президента Республики Узбекистан от 15 июля 2021 года № УП-6262 «О мерах по коренному совершенствованию системы карантина и защиты растений в республике», а также в других нормативно-правовых актах, в частности в области управления численностью вредных организмов, встречающихся в биоценозе миндаля, а также разработки ресурсосберегающих технологий для производства экспортно-ориентированной и органической сельскохозяйственной продукции.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. В мире исследования по выявлению вредителей миндаля и видов их энтомофагов проводили учёные, как A.Donald, H.C.Sharma, H. Sajid, по разведению видов энтомофагов вредителей миндаля - Li.Ying, Xie Zhang, исследования по управлению численностью представителей отряда Lepidoptera проводили Huang Xin, Xie Zhang, N. Sajid и другие.

